

ISSN: 2181-4031

DOI Journal 10.56017/2181-4031

2023

ISSUE 10  
OCTOBER

JOURNAL OF

FUNDAMENTAL

STUDIES

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ  
ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

JOFS



IMFAKTOR

ISSN: 2181-4031  
DOI Journal 10.56017/2181-4031

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 10-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-10

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-10

ТОШКЕНТ – 2023

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

№ 10 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4031-2023-10>

## Бош муҳаррир:

Тураев Б.

– фалсафа фанлари доктори, профессор

## Масъул муҳаррир:

Расулова Д.

– иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

## Таҳририят аъзолари:

Кенжабаев А.

– иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Каримов Б.

– тарих фанлари номзоди, доцент

Мадумаров Т.

– юридик фанлар доктори, профессор

Баҳодиров Р.

– фалсафа фанлари доктори, профессор

Ходжаметова Гулчира Илишевна

– тарих фанлари номзоди, профессор

Ҳайдаров Ўрал Ахмадович

– иқтисодиёт ф.б.ф.д (PhD), доцент

Мусаев Джамалиддин Камалович

– юридик ф.б.ф.д (PhD), доцент

Жамолдинов Хумоюн Бахтиёрбек ўғли

– юридик ф.б.ф.д (PhD), доцент в.б

Узакова Зарина Фуркатовна

– социология ф.б.ф.д (PhD), доцент

Мамадияров Дилшод Уралович

– иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Тўраев Шавкат Нишоневич

– фалсафа фанлари номзоди, доцент

Бердиева Гулмира Аминовна

– тарих фанлари номзоди

Содиржонов Мухриддин Махаммадаминович

– социология ф.б.ф.д (PhD)

Гаипов Жасур Бахром ўғли

– иқтисодиёт ф.б.ф.д (PhD)

Сохибова Лола Жонибоевна

– фалсафа ф.б.ф.д (PhD)

Шарипов Дилшод Бахшиллович

– сиёсатшунос, эксперт

“Фундаментал тадқиқотлар” илмий-амалий журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Мазкур журнал 6 та халқаро маълумотлар базаларида индексланган бўлиб, жорий йил учун **UIF 2023 = 7.5 “импакт-фактор”** кўрсаткичига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 24 июлдаги 01-02/1199-сонли хатига мувофиқ ушбу журналда чоп этилган мақолалар **хорижий мақолалар сифатида тан олинади.**

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдурахмон Хасанов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй. Почта индекси 100152. Веб-сайт: [www.imfaktor.uz/com](http://www.imfaktor.uz/com)

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: [tahririyat@imfaktor.uz](mailto:tahririyat@imfaktor.uz)

© “IMFAKTOR Pages” илмий нашриёти, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

**ХАЙДАРАЛИЕВ Шухрат Абдулазизович**

*Наманган давлат университети*

*тарих фанлари номзоди*

*доцент*

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10029767>

## МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ МИНТАҚАВИЙ ҲАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИҚДА ЎЗБЕКИСТОН ЎРНИ

### АННОТАЦИЯ

Демократик ривожланиш йўлини танлаган ҳар қандай жамиятда иқтисодий, ижтимоий, маданий-маънавий асосларни такомиллаштириш билан бир равишда сиёсий жараёнларни ҳам юқори босқичга кўтариш талаби етакчилик қилади. Ушбу мақолада Ўзбекистоннинг қўшни давлатлар билан яхши қўшнилик, дўстона, ўзаро манфаатли муносабатларни мустаҳкамлаш сиёсати савдо-иқтисодий, кооперация, инвестициявий ҳамкорликни, шунингдек, минтақа мамлакатлари ўртасида транспорт логистикаси соҳасидаги алоқалари тадқиқ этилган.

**Калит сўзлар:** демократик, жамият, минтақа, Марказий Осиё, Ҳаракатлар стратегияси, БМТ, инсон феномени, табиий-географик, дипломатия, миллат, диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик, кадриятлар, сиёсий ирода.

## THE ROLE OF UZBEKISTAN IN REGIONAL SECURITY AND COOPERATION IN CENTRAL ASIA

### ANNOTATION

Any society that chooses the path of democratic development is led by the demand to raise political processes to a higher level, in addition to improving economic, social, cultural and spiritual foundations. This article explores Uzbekistan's policy of strengthening good neighborly, friendly, mutually beneficial relations with neighboring countries in the field of trade and economic, cooperation, investment cooperation, as well as relations between the countries of the region in the field of transport Logistics.

**Keywords:** democratic, society, Region, Central Asia, action strategy, UN, human phenomenon, natural-geographical, diplomacy, nationality, religious tolerance, interethnic harmony, values, political will.

## РЕГИОНАЛИЗМ В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ И РОЛЬ УЗБЕКИСТАНА В СОТРУДНИЧЕСТВЕ

### АННОТАЦИЯ

Любым обществом, выбирающим путь демократического развития, руководит потребность поднять политические процессы на более высокий уровень в дополнение к улучшению экономических, социальных, культурных и духовных основ. В данной статье исследуется политика Узбекистана по укреплению добрососедских, дружественных, взаимовыгодных отношений с соседними странами в области торгово-экономического, кооперационного, инвестиционного сотрудничества, а также отношений между странами региона в области транспортной логистики.

**Ключевые слова:** демократия, общество, регион, Центральная Азия, стратегия действий, ООН, человеческий феномен, природно-географический, дипломатия, национальность, религиозная терпимость, межэтническое согласие, ценности, политическая воля.

Давлат ва жамиятнинг барқарор тараққиётини белгилайдиган сиёсий жараёнлар ўз-ўзидан шу мамлакат ички ва ташқи омиллари билан бевосита боғлиқдир. Айнан шу омиллар ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этмагунча, ривожланмагунча, инсон феномени, унинг тақдири, миллий манфаатлар, миллий ва диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатлик масалалари бир ёқлама, ёки бўлмаса, юзаки қарашлар гирдобиди қолиб кетади. Шу маънода Ўзбекистон жамиятида ҳам минтақавий масалаларни ривожлантириш, ўзаро қўшничилик алоқаларини ривожлантириш, бир макон – муштарак мақсад сари қадриятлар ва манфаатлар ягоналигини эътироф этиш борасида охириги беш йилликда Марказий Осиё мамлакатлари билан самарали ва кенг қамровли ҳамкорлик алоқаларига кенг тус берилди.

Давлатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаёти учун муҳим ҳужжат – 2017 йил 7 февралда тасдиқланган «2017–2021 йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси»нинг «чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар»и белгилаб берилган 5.2-бандида айнан ташқи сиёсат масаласи «Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик муҳитини шакллантириш» [1] тамойили ўз аксини топди.

Стратегия доирасида олиб қарайдиган бўлсак, 2017 йилнинг ноябрь ойида мамлакатимизда, Самарқанд шаҳрида БМТнинг шафелигида ташкил этилган «Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарор ривожланишни таъминлаш» масалаларига қаратилган халқаро доирадаги конференцияда ҳам минтақада хавфсизлик масалалари, ижтимоий-маданий ва сиёсий жабҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш борасида стратегик муҳим дастурлар қабул қилинади.

Бу борадаги учрашувлар, ахдлашув меморандумлари, бир сўз билан айтганда, сиёсий барқарорликни таъминлашга қаратилган юқори даражадаги учрашувлардан бири 2018 йилнинг март ойида мамлакатимиз Президенти, айни бу сингари узоқ муддатли стратегик келишувлар бунёдкори Шавкат Мирзиёевнинг бевосита ташаббуси билан Қозоғистоннинг Остона шаҳрида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг биринчи маслаҳат учрашуви ташкил этилади.

Айни бу сингари маслаҳат учрашувлари, доимий равишда бўлиб турган ҳамкорлик келишувлари ва меморандумлар ўз самарасини бермасдан қолмади. Хусусан, ўша йилнинг июнь ойида БМТ Бош Ассамблеяси томонидан «Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш» резолюцияси қабул қилинди.

Бу ўз-ўзидан минтақа мамлакатлари ўртасида самарали ва кўп укладли ҳамкорлик масалаларини барқарорлаштириш, қолаверса, соҳалар бирлигида интеграциялашув тамойилларини ҳам янада ривожлантириш, узоқ даврга мўлжалланган стратегик чора-тадбирлар ишлаб чиқиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбекистон цивилизациялар, турли маданий қатламлар, хилма-хил эътиқод ва дунёқарашлар туташган жойда ўрнашган. Аҳолиси жиҳатдан кўпчиликни ташкил этадиган ўзбек халқи минтақа ҳамжиҳат бўлишида қадимдан муҳим ролни ўтаб келган. “Бугун Ўзбекистон – фақат жуда бой табиий хом ашё захиралари, чексиз бозор ва сармоя сарфланадиган соҳагина эмас. Айни чоғда мамлакатимиз ғоят улкан ақл-заковат, маънавий ва маданий имкониятларга эга. Буларнинг барчаси дунёда янги сиёсий ва иқтисодий тартиб фаол шаклланиб бораётган бир шароитда, юртимизнинг ноёб жуғрофий ўрни билан қўшилган ҳолда жуда катта жуғрофий-сиёсий ва жуғрофий-стратегик қизиқиш уйғотади” [2, Б.8].

Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорлик таянчи бўлган Ўзбекистоннинг минтақада географик жойлашуви, иқтисодий салоҳияти, ҳарбий имконияти, аҳоли сони, халқаро миқёсдаги обрў-эътибори, қадимги давлатчилик анъаналари бу вазифаларни амалга оширишга имкон беради. Тажрибали дипломат ва олим С.Сафоев таъкидлаганидек, “географик жойлашув, иқтисодий салоҳият, аҳоли сони каби омиллар мажмуи Ўзбекистоннинг минтақадаги нафақат мавқеини, балки мазкур ҳолат учун унинг алоҳида маъсулиятини ҳам белгилайди» [3, Б.18].

Марказий Осиё тараққиётида “Ўзбекистон ўрни” – бу Ўзбекистоннинг минтақавий тараққиётни таъминлашдаги ўзига хос имконияти, салоҳияти ва фаолиятидир. Улар қуйидагилардан иборат:

Географик қулай жойда жойлашган Ўзбекистон минтақанинг геосиёсий ядроси ҳисобланади. Мамлакат майдони 448,9 минг кв км ни ташкил қилиб, умумий майдонининг бешдан тўрт қисми текисликдан иборат [4]. Бу ҳудуддан минтақанинг катта дарёлари – Амударё ва Сирдарё оқиб ўтади. Юртимизнинг шарқий ва жануби – шарқий қисмида Тянь-шань, Олой, Зарафшон, Туркистон ва Ҳисор тоғлари, Фарғона, Китоб-Шаҳрисабз, Сурхон-Шеробод, Зарафшон, Чирчиқ-Оҳангарон водийлари жойлашган бўлиб, аҳолининг асосий қисми шу ҳудудда яшайди. Суғориладиган ерлардан иборат водийлар деҳқончилик учун анча қулайдир.

Маълумки, геосиёсатдаги мавжуд хартленд (асосий ўлка ёки марказий ер) назариясига кўра Марказий Осиё ер юзи, минтақаларнинг геосиёсий ядроси ёки маркази ҳисобланади. Марказий Осиёнинг хартленди, геосиёсий ядроси эса Ўзбекистондир. Шу нуқтаи назардан, мамлакат пойтахти Тошкентга “Шарқ дарвозаси”, деб таъриф беришади. Ёки С.Сафоев “Ўзбекистон Марказий Осиёнинг бошқа давлатларидан фарқли ўлароқ, жаҳон миқёсидаги ёки минтақавий йирик давлатларнинг биронтаси билан ҳам бевосита чегарадош эмас. Геосиёсий жиҳатдан бу, шубҳасиз, устунликдир” [5], деб ёзади.

Давлатимиз хомашё ва энергетика жиҳатидан мустақил, истеъмол бозори учун зарур бўлган кўплаб хомашё ресурсларига эга. Ўзбекистон ҳукумати мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ хомашё ва энергетикаресурслари бўйича мустақил бўлишга ҳаракат қилди. 1998 йилга келиб, нефть ва газ конденсати ишлаб чиқариш 1990 йилдагига нисбатан 3 баробар ошди. Юртимиз дон мустақиллигини қўлга киритган. Агар 1990 йилда республикада истеъмол қилинадиган буғдойнинг 90 фоизидан зиёди импортга тўғри келган бўлса, 1998 йилда импорт улуши 19 фоиздан камроқни ташкил қилди [6, Б.87].

Ғалла ишлаб чиқариш ҳажми 1990 йилдаги 1899 минг тоннадан 2010 йилда 6952 минг тоннага етиб, 3,7 бараварга ошди. 2014 йилда эса ғаллакорларимиз 8000 минг тоннадан ортиқ ғалла етказдилар. Бугунги кунда Ўзбекистон қўшни давлатларга, ҳатто Афғонистонга ғалла етказиб бермоқда. 2000-2010 йиллар мобайнида барча турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ўсишига эришилди.

Ўтган давр мобайнида дон ишлаб чиқариш ҳажми 197,1 фоизга, сабзавотлар 235,1 фоизга, полиз маҳсулотлари 276,4 фоизга, мева 214,5 фоизга, гўшт етиштириш 291,2 фоизга сут 169,8 фоизга тухум етиштириш 243,8 фоизга ошди [7, Б.87].

Юртимиз пахта толасини етказиш бўйича жаҳонда тўртинчи ўринда, жаҳон бозорига сотишда иккинчи ўринда туради. Марказий Осиёда йилига ўртача 2 млн тонна пахта толаси етиштирилса, Ўзбекистоннинг улуши 1 млн 400 минг тоннани ташкил қилади. Ўзбекистон минтақадаги ипакчилик ва пиллачилик техникаси ишлаб чиқарувчи ягона давлатдир. Республика йилига 70 минг тоннага яқин пилла етиштиради, унинг 21 тоннаси корхоналаримизда қайта ишланса, қолганлари экспорт қилинади. Ўзбекистон олтин қазиб олишда дунёда еттинчи ўринда, захиралари бўйича тўртинчи ўринда туради [8, Б.153].

Республикамиздаги Қизилкум ва Мурунтаув тилла конлари дунёдаги энг улкан конлар қаторига киради. Мамлакатимиз ҳудудида аниқланган нефт захиралари 4 млрд тоннадан кўпроқ бўлган 160 дан ортиқ нефть конлари мавжуд. Конденсацияланган газ захиралари 630 миллиард тоннани, табиий газ захиралари 5,5 триллион м<sup>3</sup>ни ташкил этади. Аниқланган кўмир захиралари 2 млрд тоннадан ортиқ. Юртимиздан 50 хилдан ортиқ минерал ресурслар қазиб олиниб, уларнинг қиймати 3,3 триллион АҚШ долларини ташкил этади [9, Б.13].

Бундан ташқари, минтақада ишлаб чиқариладиган машинасозлик маҳсулотларининг учдан икки қисми Ўзбекистонда ишлаб чиқарилади [10, Б.301]. Кейинги йилларда бу борадаги имкониятларни янада оширишга эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш ҳаракатлар стратегиясининг учинчи устувор йўналишида иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштириш устувор вазифа сифатида кўрсатилган [11].

Бу ҳам Ўзбекистоннинг иқтисодий имкониятлари ва тараққиётини янада оширишга хизмат қилади.

Маълумотларга кўра, 1990 йилда минтақа аҳолиси 51 млнга яқин бўлиб, Қозоғистонда 16,7 млн, Ўзбекистонда 20,7 млн киши яшаган. Тожикистонда аҳоли сони 5,3 млн, Туркменистонда 3,7 млн, Қирғизистонда 4,4 млн кишини ташкил қилган [12, Б.97].

Ўзбекистон Республикасининг аҳолиси ҳам Марказий Осиё минтақасиаҳолиси сонига нисбатан жуда тез ўсиб бораётганлиги барчага маълум.

Табиатдан фойдаланишни ташкил қилиш ва бошқарув соҳасидаги қарорларининг қабул қилиниши кўпинча ижтимоий-иқтисодий омилларшакланган маъмурий чегаралар доирасида амалга оширилади. Худуднинг табиий (ландшафт) хусусиятлари эса назардан четда қолади. Минтақаларнинг кишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва (ҳосилдорлик, ялпи маҳсулот олиш ваҳоказо) юқори ҳосил олиш мақсадида экин майдонларининг тупроқунумдорлиги, намлиги, қурғоқчиликлиги кўпинча эътиборга олинмайди.

Марказий Осиё минтақаси давлатлари чегараларидаги ўзига хос торликлар, кечкин ўзгаришлар, бир табиий-географик муҳитнинг турли қисмларга бўлиб юборилганлиги туфайли унда жойлашган аҳолининг ҳам маълум чегаралар яқинида ўта зич ва маълум чагаралар яқинида ниҳоятда сийрак эканлиги кўринади. Бу эса қулай табиий географик муҳитли чегаралар яқинида катта аҳолининг йиғилишига ва табиий-географик муҳитнинг бардошлилигини пасайишига, табиий-географик муҳитнинг шу жой аҳолисини боқишидаражасининг тушиб кетишига сабаб бўлади [15, Б.36].

Тарихий даврларда инсон ва табиат муносабатларининг характери (хусусияти) кўпинча ижтимоий тузум билан боғлаб олиб борилган.

Капиталистик муносабатлар негатив (салбий) нуқтаи-назаридан тасвирлаб кўрсатилган, яъни улар табиатга таъсирларнинг ортишига, унинг камбағаллашиб боришига, қатор экологик муаммоларга олиб келади деб ҳисобланган. Аммо жамиятнинг шаклланишида, унинг ҳаётида географик омил, табиий шароитлар муҳим аҳамият касб этишини унутмаслик лозим.

Географикомил – инсон моддий ҳаётининг асосий шартини, у билвосита, моддийбойликларни ишлаб чиқариш усули орқали, ижтимоий тузумнинг характери (хусусиятига) таъсир этади [16, Б.184].

Шу сабабдан Марказий Осиё аҳолисининг каттадемографик юкини ҳисобга олган ҳолда мамлакатлар ўртасида аҳолийолашувининг минтақавий муаммолари очиқланиши ҳамда узоқ йилларга муъалланган демоэкологик дастур-мақсадлар ишлабчиқилиши зарур бўлади.

Бугунги фаол кечаётган демографик вазиятда аҳолининг жойланишидаги ўзгаришларни чуқур таҳлил этиб бориш талаб этилади. Янги аҳолипунктларини ташкил этиш давлатлар миқёсида дастурли-мақсабли режаларасосида амалга оширилатганлигига қарамасдан, аҳоли пунктларининг табиийгеографик шароитни ўзгаришларига олиб келишининг кейинги 20-30йиллардаги ҳолатлари баҳолабмаётганлиги катта муаммоларга сабаб бўлишимумкин. Минтақа миқёсида аҳоли пунктларининг аксарияти яшаш ўта қулай вакулай бўлган ҳудудларда ёки қулай табиий-географик шароитларда жойлашган [17].

Аҳоли сонининг мунтазам кўпайиши аҳоли пунктлари сони ва майдонинингоришига ҳамда қулай табиий-географик майдонларнинг қисқариб боришига сабаб бўлади. Бу ҳолат ландшафтларнинг деградиациясига, экологикмувозанатига ва аҳолининг турмуш тарзига таъсирини ўтказди. Ҳар бирминтақани ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, демографик юк миқдорини белгилаш, меъёрлаштириш, аҳоли пунктларини оқилона ҳудудий ташкил этишнинг илмий асосларини такомиллаштириш талаб этилади.

БМТнинг прогнозларига кўра 2050 йилга келиб Марказий Осиё аҳолиси 94,2 млн кишига етади.

Ўзбекистон – 41 млн;

Қозоғистон – 23 млн;

Тожикистон – 13,5 млн;

Қирғизистон – 8,1 млн;

Туркманистон – 7,8 млн [18].

Бугунги глобаллашув шароитида инсон ресурслари ҳам таракқиётда асосий омил бўлишини кузатиш мумкин. Жумладан, тадқиқотчи Ш.Файзиев: “Ўзбекистоннинг етакчи давлатлар қаторидан ўрин эгаллашида унинг демографик ҳолати муҳим роль ўйнайди. Ҳукумат олдидаги вазифа шу демографик ўсишдан оқилона фойдаланиш” [19, Б.57], деган фикрларни илгари сурган.

Инсон омилли республика ҳарбий қудратида ҳам намоён бўлади. Давлатимиз қуролли кучлари сон жиҳатдан ҳам минтақада етакчи. Ҳарбий кадрлар тайёрлашга ҳам мамлакатимизда катта эътибор қаратилган. Республикаимизда Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги махсус факультет каби ўқув юртлари ҳарбий соҳада малакали кадрлар тайёрлаб бермоқда. Ёки 2022 йилда Ўзбекистон армияси ҳарбий қудрати бўйича жаҳон рейтингда 54-ўринни эгаллади. Бу ҳақда «Global Firepower» порталининг «Global Firepower Index–2022» жаҳон армиялари рейтингда маълумот берилган. Маълум қилинишича, 2021 йилда Ўзбекистон армияси ҳарбий қудрати бўйича Марказий Осиё давлатлари орасида биринчи, жаҳонда эса 51-ўринни эгаллаганди. Мамлакат 2022 йилги рейтингда ҳам Марказий Осиё давлатлари ичида биринчиликни сақлаб қолган. Жумладан, Қозоғистон 64 ўрин, Туркманистон 83, Қирғизистон 90, Тожикистон 111, Афғонистон эса 118 ўринни қайд этган [20].

Бундай омиллар минтақада хавфсизлик муаммосини бартараф этишда, барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Қадим Мовароуннаҳр ҳудудида турли диний марказлар жойлашган. Маълумки, араблар босқинидан сўнг “икки дарё оралиғи”га ислом дини кириб келган эди.

Х асрга келиб, бухудудда Бухоро, Самарқанд каби диний марказлар шаклланди. Ҳозирги вақтда ҳам ушбу масканлар ислом оламида юқори мавқени эгаллайди. Хусусан, Бухоро ислом оламидаги 5 та шариф шаҳарлардан бири сифатида тан олинган. Ислом дунёсида жуда катта мавқега эга силсилаи шарифда номлари қайд этилган етти буюк авлиёларнинг қабри шу маскандадир. Вилоятда Марказий Осиёда донғи кетган Мир Араб мадрасаси фаолият кўрсатиб келмоқда. Замонавий ва диний билимларни уйғунлаштириб таҳсил берадиган минтақада ягона Тошкент ислом университети фаолият юритмоқда. Минтақа аҳолисини аксарияти ислом динига эътиқод қилиши, диний экстремизм ва фундаментализм хуружи кучаяётган бугунги кунда, бу омил катта аҳамиятга эга. Бугунги кунда ҳам бу борадаги ташаббуслар ва хайрли амаллар давом эттирилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида нутқидаилк бор халқаро минбардан ислом дини эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этишини, Марказий Осиё Уйғониш даврининг кўплаб ёрқин намояналарининг ислом ва жаҳон цивилизациясига кўшган бебаҳо ҳиссасини алоҳида қайд этди [21]. “Ана шундай буюк алломалардан бири Имом Бухорий ўз аҳамиятига кўра ислом динида Қуръони каримдан кейинги муқаддас китоб ҳисобланган “Саҳиҳи Бухорий”нинг муаллифи сифатида бутун дунёда тан олинган.

Бу улуғ зотнинг ғоят бой меросини асраб-авайлаш ва ўрганиш, маърифатий ислом тўғрисидаги таълимотини кенг ёйиш мақсадида биз Самарқанд шаҳрида Имом Бухорий номидаги Халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилдик. Тошкентда ташкил этилаётган Ислом цивилизацияси марказининг фаолияти ҳам шу мақсадга хизмат қилади”, деган фикрларни илгари сурди [22].

Маълумки, маданият ва санъат халқларни бир-бирига яқинлаштиради. Шундай омиллар таъсирида минтақа халқлари ўзаро яқинлашиб, аҳил яшаб келишган. Бунда маданий тарихий бойликлар муҳим ўрин тутган. Зеро Ч.Айтматов қайд этган қуйидаги фикрлари диққатга сазовор: “Қадимий Византия славян халқлари тараққиётига қандай кучли таъсир кўрсатган бўлса, ўзбек маданияти ҳам Марказий Осиё халқлари маданияти ривожига шундай қудратли таъсир кўрсатган” [23].

Дарҳақиқат, Ўзбекистон маданий-тарихий жиҳатдан улкан ютуқларга эришиб, дунё цивилизациясига муносиб ҳисса қўшди. Қадим замин давлатчилик, адабиёт, санъат, меъморчилик, таълим-тарбия, тиббиёт, аниқ фанлар, маърифат бобида дунё эътироф этган буюк сиймоларни етиштириб берди. Бу анъаналар кейинги даврларда ҳам давом этмоқда. Минтақа халқларининг маданият кунлари, санъат фестиваллари, маданият кечалари ўтказиб келинмоқда. Жумладан, 1992 йил 26 мартдан 4 апрелгача Тошкентда «Наврўз - 92» халқаро анжумани бўлиб ўтди. 1994 йилда юртимизда Қозоғистон Республикаси кунлари ўтказилиб Ўзбекистон – Қозоғистон миллий маданият марказини ташкил қилиш тўғрисида келишиб олинди [24, Б.42].

1998 йили бўлиб ўтган биринчи симфоник мусиқа фестивалида дунёнинг 20дан ортиқ давлатлари, хусусан, Марказий Осиё давлатларидан ижрочилар қатнашди. 1998 йилдан бошлаб Самарқандда икки йилда бир маротаба анъанавий «Шарқ тароналари» фестивали ўтказиб келинмоқда. Ёки буюк аждоларимизни илмий меросини ўрганиш ва ҳамжамиятга танитиш мақсадида 2014 йил 15-16 май кунлари Самарқандда “Ўрта аср шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти” мавзусида халқаро конференция ташкил этилди [24]. Бундай тадбирлар минтақа халқларини бирлаштиришга хизмат қилмоқда.

Минтақа давлатлари иқтисодида аграр соҳа салмоқли ўринда туради. Бу ерда аграр соҳанинг қадимий деҳқончилик тажрибаси сақланиб қолган. Юртимизда милoddан аввалги IV минг йилликда, суғорма деҳқончилик шаклланган эди. Замонбобо манзилгоҳи ва шунга ўхшаган маданий ёдгорликлардан топилган далилий ашёлар фикримизни тасдиқлайди [25, Б.225]. Ана шу тажрибалар асосида шаклланган пахтачилик, боғдорчилик, сабзавотчиликда юртимиз дунёда етакчи ўринни эгаллаб турибди.

Маълумки, минтақавий муаммолар тараққиётдаги асосий тўсиқлардан ҳисобланади. Ўзбекистон ҳукумати минтақа муаммоларининг келиб чиқиши, унинг олдини олишмасалаларида прагматик қарашлари ва бартараф этишдаги амалий фаолияти билан минтақавий ҳамкорликка ижобий таъсир кўрсатиб келмоқда. Мамлакатимиз мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ минтақадаги муаммоларни бартараф этишга жиддий ёндашиб, жаҳон жамоатчилиги эътиборини қаратишга ҳаракат қилиб келади. Афғонистон, Тожикистондаги фуқаролар урушини бартараф этиш (1992-1997), минтақавий хавфсизлик, диний экстремизм ва терроризм муаммолари шулар жумласидандир. Ўзбекистон раҳбарияти таклиф этган Афғонистондаги беқарорликни бартараф этишга қаратилган “6+3” мулоқот гуруҳини ташкил этиш ташаббуси, ёки 2010 йил ёзида Қирғизистондаги Ўш воқеалари оқибатида миллатлараро низоларни келиб чиқишига йўл қўймаслик борасидаги сайи-ҳаракатлари халқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватланди.

Тожикистон ва Афғонистон можароларини бутун минтақага тарқалиб кетиши олдини олишда Ўзбекистон ҳарбий-стратегик жиҳатдан етакчи роль ўйнади. Мамлакатимизнинг минтақада юзага келган муаммоларни ҳал қилишдаги роли дунёнинг етакчи олимлар томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Буни қўллаб тадқиқотчилар ўз асарларида кўрсатиб берганлар. З.Бжезинский Ўзбекистон мустақиллиги Ўрта Осиёдаги бошқа давлатларнинг яшаб қолишида муҳим рол ўйнайди, ундан ташқари Россияни минтақада ҳукмронлик ўрнатиш учун олиб бориши мумкин бўлган сиёсатига асосий қарши турадиган куч бўлиши мумкин [30, Б.45], деган фикрларни билдиради.

Минтақага жадал суратлар билан кириб келаётган ёвуз кучларнинг кўрсатаётган таҳдидидан огоҳ қилиш ва унга қарши курашда ҳамкорлик зарурлиги ғоясини республикамиз биринчи президенти минтақада мустақил давлатлар вужудга келган дастлабки пайтлардан илгари сурган эди. У Афғонистонда юзага келган мушкул вазиятга 90-йилларнинг бошларидаёқ жаҳон жамоатчилиги эътиборини қаратиб, уни ҳал этиш учун аниқ таклифлар киритган эди.

Ўзбекистоннинг минтақадаги хавфсизликни таъминлашдаги хизматлари шундаки, у Афғонистон ва Тожикистон муаммосининг минтақага тарқалиб кетишига йўл қўймади ҳамда уларни бартараф этишда фаоллик кўрсатди.

Шундай қилиб, Марказий Осиё тараққиётида “Ўзбекистон ўрни” ўзининг иқтисодий салоҳияти, хом-ашё ресурсларига бойлиги, ишчи кучи ва демографик имконияти, ҳарбий қудрати, геосиёсий жойлашувига кўра минтақада муҳим ўрин туради. Ўзбекистонга қаратилган ҳар қандай хавф-хатар бутун минтақага таъсир қилади.

Ўзбекистоннинг ҳамкорлик жараёнидаги ташаббуслари ва унинг натижалари ҳам муҳим масаладир.

Минтақавий ҳамкорлик Марказий Осиёнинг барқарорлиги, тараққиёти кафолати ҳисобланаркан, бу жараёнларни ривожлантиришдан Ўзбекистон манфаатдордир. С.Сафоев таъбири билан айтганда “...Кўп жиҳатли минтақавий ҳамкорликнинг муваффақиятли ривожланиши аввало, Ўзбекистон манфаатларига мос келади. Айни вақтда, айнан Ўзбекистон ўз ўрни ва мавқеига кўра, Марказий Осиёдаги ҳамкорлик жараёнларининг боришига ҳаммадан кўпроқ таъсир кўрсатиши мумкин [31, Б.31].

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон раҳбарияти минтақада ҳамкорлик жараёнларини ривожлантириш заруриятини тушуниб етиб, унинг ғоявий асоси сифатида “Туркистон умумий уйимиз” ғоясини илгари сурди. Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.Каримов қайд этганидек, бу шиор минтақада мавжуд бўлган тарихий анъаналарни давом эттириш, уларни янги тарихий шароитларда бойитиб бориш ва шу орқали халқларимиз ўртасида мустаҳкам қардошлик муносабатларини қарор топтиришга қаратилгандир” [32, Б.135].

Мазкур ғояда асосий урғу маънавий ва маданий ҳамкорликка берилган эди. Чунки асрлар давомида маънавият, ахлоқ ва маданият уйғун шаклланиб, улар ҳар қандай шароитда ҳам инсоний баркамолликнинг бош тамойили сифатида тан олинган эди. 1995 йил 21 ноябрда Тошкентда “Туркистон – умумий уйимиз” номи конференция ўтказилиб, Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеяси ташкил этилди. Унинг асосий мақсади қадимдан ҳамқору ҳамфикр бўлиб келган халқларни яқинлаштириш қилиб белгиланди. Умуман, бу ҳаракатлар минтақавий ҳамкорликка ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди. Кейинчалик бу ғояга эътибор берилмаганлиги Россияни ҳамкорлик жараёнларига қўшилганлиги билан боғлиқ.

Ўзбекистон ташаббусларидан яна бири минтақамизни ядро қуролидан холи ҳудуд даражасига эришилганлигидир. Ташаббус илк бор Президентимиз томонидан 1993 йил БМТнинг 48 сессиясида кўтарилди. Халқаро жамоатчиликда бу улкан қизиқиш уйғотди. 1997 йил 14-16 сентябрь кунлари Тошкентда БМТ ҳамкорлигида “Марказий Осиё – ядро қуролидан холи ҳудуд” мавзусида конференция ўтказилди. Унда Россия, АҚШ, Буюк Британия, Франция, Туркия, Эрон, Афғонистон, Покистон, Хитой, Ҳиндистон, Япония давлатларидан экспертлар қатнашди.

Ўзбекистон ташаббуси билан 1997 йил май ойида Марказий Осиё республикалари президентлари Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудуд, 1998 йилни БМТ раҳнамолигида Марказий Осиёда атроф-муҳит ҳимояси йили, деб эълон қилдилар. 1997 йил 9 декабрда БМТнинг 52-сессиясида ташаббус ҳамжамият томонидан қўллаб қувватланиб, резолюция қабул қилинди. Бунинг ўзaro ҳамкорлик жараёнларига таъсири ҳақида тўхталадиган бўлсак, биринчидан минтақа давлатлари тинчликни кадрлаши ва ядро таҳдидига қарши курашишини амалда исботладилар. Иккинчидан, бундай жонбозлик халқаро миқёсда минтақа мавқеини ошириб, жаҳон ҳамжамияти билан ҳар томонлама ҳамкорликни кучайишига сабаб бўлди.

Ҳукуматимиз маданий ҳамкорлик бобида ҳам кўплаб ташаббуслар билан чиқмоқда. Жумладан, республикалар кунларини ўтказиш, миллий байрамларни нишонлаш (“Манас” эпосининг 1000 йиллиги, Абай таваллудининг 150 йиллиги ва бошқалар) шулар қаторига киради.

Ўзбекистоннинг ШХТ доирасидаги ташаббуслари ва ўзaro ҳамкорликни кучайтиришдаги сайи-ҳаракатларини алоҳида таъкидлаш лозим. Мамлакатимиз ташкилотга ҳозиргача уч марта раислик қилган. 2003-2004 йиллар биринчи раислиги даврида терроризмга қарши кураш, хавсизликни таъминлаш борасидаги мамлакатимиз ташаббуслари эвазига 2004 йил 17 июнда Тошкентда бўлиб ўтган Саммитда ташкилотнинг доимий фаолият юритувчи органи – Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ташкил қилинган. хавфсизлик кенгашлари котиблари учрашуви йўлга қўйилган. ШХТнинг ваколатлари иммунитетлари тўғрисидаги конвенция, ШХТ ҳузуридаги кузатувчи мақоми тўғрисидаги низом имзоланиб, Покистон, Ҳиндистон, Эрон ва Мўғилистон кузатувчи мақомига эга бўлдилар. Биринчи президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан Афғонистон ташкилот меҳмони сифатида Саммитда иштирок этди. 2010 йилда 11 июндаги Тошкент Саммитида ШХТга янги аъзоларнинг қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом қабул қилинди. 2016 йилдаги Тошкент Саммити ташкилот тарихида ҳам ҳамжамият тарихида ҳам энг самарали Саммитлардан бири бўлди. Бунда 11 та ҳужжат имзоланди.

Айнан Ўзбекистоннинг самарали фаолияти натижасида Покистон ва Ҳиндистонни ташкилотга аъзоликка қабул қилиш жараёни бошланди. Бунинг учун икки давлат раҳбарлари ташкилотга аъзолик мажбуриятлари тўғрисидаги меморандум имзоладилар. Бу эса икки давлат ўртасида йиллар мобайнида мавжуд бўлган душманлик ҳолатини йўқотиш учун улкан қадам бўлиб хизмат қилди. Чунки, Айнан Тошкентда икки давлат раҳбарларибир стол атрофида йиғилиб дўстлик ришталарини боғлашни келишиб олдилар. Ташкилот томонидан ҳар қандай можарони тинч йўл билан ҳал қилиш мажбурияти юкланди улар юқоридаги меморандумга имзо чекиб шу мажбуриятни ўз зиммаларига олдилар. Бунда албатта раислик қилувчи Ўзбекистоннинг ҳиссаси катта бўлди. Ўзбекистонни ташкилот доирасидаги фаолияти, ташаббуслари нуфузли сиёсатчилар томонидан эътироф этилмоқда.

Жумладан, Мудофаа ва хавфсизликнинг халқаро масалалари тадқиқотлари бўйича Қироллик Бирлашган хизматлар институти директори (Буюк Британия) Р.Пантуччи “.... Ўзбекистон ҳамшира бирлашма раислиги вазифасига маъсулият билан ёндашган ва самарали равишда уни уйдасидан чиққан. Мутлақо аёнки, навбатдаги миссия доирасида ҳам республика кенг кўламли ишларни амалга оширди” [33].

Ёки Шанхай халқаро тадқиқотлар Академияси ҳузуридаги Марказий Осиёни ўрганиш маркази директори Ли Синь “Ўзбекистон маъсулиятли миссияни ўз олди ва ШХТ Хартиясида муҳраб қўйилган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, ушбу ташкилотни мустаҳкамланишига катта ҳисса қўшди”, деган фикрларни илгари суради.

Мамлакатимизнинг қўшнилар билан ҳамкорлигини янги босқичини бошлаб берган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг “қўшнилари билан рақобат эмас, ўзаро манфаатли ҳамкорлик” номли концептуал ғоялари ҳисобланади. Айнан ана шу ғояни моддий кучга айлантириш учун президентимиз Туркменистонга 6-7 март 2017 йили давлат ташрифи билан бўлди. Шу йили 22-23 март кунлари Қозоғистонга, 5-6 сентябрь кунлари Қирғизистонга давлат ташрифлари билан бўлиб жами 50 дан ортиқ келишувларга эришилди. Жумладан, Қирғизистон билан баҳсли чегара ҳудудларининг 85% делимитациясига эришилганлиги, йил охиригача чегаралар делимитациясини тўлиқ амалга оширишга келишиб олинганлиги, Қозоғистон билан ўзаро савдо айланмаси 1,3 млрд доллардан ўтганлиги йил охиригача бу кўрсаткич 2млрд доллардан ўтиши ана шундай жонбозликнинг меваси ҳисобланади. Умуман, бугунги кунгача Ўзбекистон минтақавий ҳамкорликка либерал ёндашиб, тадрижий ривожланиш, умумманфаат устуворлиги тарафдори сифатида прагматик сиёсатни олиб бормоқда. Бу ҳақида Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Қўшнимизнинг ютуғи – бу бизнинг ҳам ютуғимиз. Уларнинг тинч ва фаровон ҳаёти – бутун минтақамизда тинчлик ва барқарорликни сақлашнинг гарови деб биламиз. Мана шу йўлда янги амалий қадамлар қўяётганимиз, жумладан, қўшни давлатларнинг раҳбарлари билан олиб бораётган музокараларимиз бунинг амалий тасдиғидир”, деган эди.

Ўзбекистон ва Туркменистоннинг ўзаро дўстона ва стратегик ҳамкорлиги уч муҳим жиҳати билан ажралиб туради.

Биринчидан, ҳамкорлик аниқ тармоқ, соҳа ва йўналишлар кесимида амалга оширилмоқда. Хусусан, икки давлат ўртасидаги алоқалар, айниқса, сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, транспорт-коммуникация ва маданий-гуманитар соҳаларда янада кенгайтирилди.

Иккинчидан, стратегик шериклик муносабатлари шартномавий-ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланиб, ўзаро мажбуриятларни таъминлаш борасидаги юксак маъсулиятни англаш ва самарали бажариш учун туртки бўлмоқда.

Учинчидан, ўзаро манфаатли ҳамкорлик муҳим стратегик масалалар юзасидан ягона ва тўғри бўлган қарашларнинг шаклланишига сабаб бўлмоқда. Хусусан, минтақада экологик вазиятни соғломлаштириш, Марказий Осиё сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш, ишончли ва хавфсиз транспорт йўлакларини яратиш, Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона тўғрисидаги Шартнома доирасида ҳамкорлик каби масалалар шулар жумласидан.

Ўзбекистон Президентининг 2018 йил 24 августдаги, 2019 йил 10 октябрдаги, 2021 йил 29 апрелдаги Туркменистонга амалий ташрифлари давомида ҳам Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, кўп қиррали ҳамкорлик ва минтақавий шерикликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, Туркменистон Президентининг 2018 йил 23–24 апрель кунлари Ўзбекистонга давлат ташрифи ҳам дўстлик муносабатлари ва стратегик шерикликни ривожлантиришда муҳим воқеа бўлди. Ташриф давомида Шавкат Мирзиёев ва Гурбангули Бердимухамедовнинг Қўшма баёноти имзоланди.

Бундан ташқари, ташриф давомида икки давлат ўртасида 17 та ҳукуматлараро ва идоралараро ҳужжатлар, шунингдек, умумий қиймати 250 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган савдо шартномалари ва битимлари пакети имзоланди. Ушбу ҳамкорлик халқларимиз ҳаётида ўз ифодасини топиши мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 октябрдаги “Туркменистон Президентининг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи яқунлари бўйича имзоланган шартномалар ва битимларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Ушбу ҳужжатлар асосида амалга оширилган ишларнинг натижасини бугун икки давлат халқлари ўз ҳаёти ва тақдирида ҳис этмоқда десак, айтиш мумкин бўлмас.

Мазкур ҳужжатлар мисолида ҳам кўриш мумкинки, Ўзбекистон ва Туркменистон энг ишончли ҳамкорлар сифатида тарихий дўстлик алоқаларини янада ривожлантиришдан бирдек манфаатдордир.

Учинчидан, Ўзбекистон ва Туркменистон парламентлари ўртасида ҳамкорлик алоқалари ривожланди.

2020 йилнинг 10 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Туркменистон Межлиси билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Туркменистон Межлиси билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳи томонидан фаол амалий ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Тўртинчидан, сўнгги йилларда савдо-иқтисодий соҳадаги ўзаро ҳамкорлик шартномавий-ҳуқуқий жиҳатдан янада мустаҳкамланди.

Шу асосда икки томонлама имтиёзлар ва савдо соҳасида ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича янги тартиблар жорий этилди. Айтиш керакки, Туркменистон эркин савдо режимини яратган ҳолда савдо-иқтисодий ҳамкорлик соҳасидаги битимлар имзоланган 10 та давлат сирасига киради.

Бешинчидан, икки буюк халқ ўртасидаги қадимий тарих ва маданиятга эътибор мутлақо ўзгарди.

Бир маконда муштарак мақсадлар асосида яшаб келган ўзбек-туркман халқларининг ўзаро уйғунликдаги этнографик маданиятини тарғиб этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 29 декабрдаги “Хоразм вилоятидаги “Ўзбек–Туркман дўстлик уйи” ва “Улли ҳовли” мажмуаси” дирекциясини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида Урганч тумани Ғойбу қишлоғи “Туркманлар” маҳалласи ҳудудидаги “Ўзбек–Туркман дўстлик уйи” ва “Улли ҳовли” мажмуасида жойлашган бино ва иншоотларни сақлаш, келажак авлодга етказиш бўйича қўллаб-қувватлаш ҳаракатлар амалга оширилди.

2018 йил 23 апрель куни Тошкент шаҳрида Ашхобод сайилгоҳи очилди, 2016 йил ноябрда мамлакатимизда Туркменистон маданияти кунлари, 2017 йил ноябрда эса Туркменистонда Ўзбекистон маданияти кунлари ўтказилди.

Бу ҳам икки қардош халқнинг муштарак маданияти ва тарихига қаратаётган юксак эътибори намунасидир.

Олтинчидан, Туркменистон билан яқин қўшничилик ва оқилона ташқи сиёсатни амалга ошириш масаласи йиллик давлат дастурлари ва стратегик режаларда алоҳида назарда тутилмоқда.

Ўзбекистоннинг туб аҳолисини ўзбеклар ташкил қилади. Шунингдек, юртимизда қорақалпоқлар, тожиклар, қozoқлар, қирғизлар, туркманлар, татар, қрим татар, озарбайжон, бошқирд, славянлар каби 130дан ортиқ миллат ва элат вакиллари вакиллари яшайди. Уларнинг миллий ҳақ-ҳуқуқлари, урф-одатлари камситилмаслиги учун барча шарт-шароит яратилган.

Мактабларда етти тилда ўқитиш йўлга қўйилган, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, маданият ва маънавий бойликларни тақсимлаш масаласида ижтимоий адолат таъминоти бўйсинади. Етти тилда газеталар, китоблар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва бошқа адабиётлар нашр қилинмоқда. Кўпчилик миллатларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиб телевизион кўрсатув ва радио эшиттиришлар йўлга қўйилган. Бошқа миллат вакиллари давлат ва жамоат ишларига кенг жалб қилинмоқда.

## ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. <https://lex.uz/acts/3107036>
2. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир 3-том. – Т.: Ўзбекистон 1996. - 8 б.
3. Сафоев С. Марказий Осиё геосиёсати. – Т.: ЖИДУ. 2005. 32-б.
4. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши. <https://constitution.uz/uz/pages/aboutuzbekistan>
5. Сафоев С. Марказий Осиё геосиёсати. – Т.: ЖИДУ. 2005. - 30б.
6. Жўраев Т. Миллий давлатчилик: хавфсизлик ва барқарорлик. – Т.: “Akademiya”, 2007. - 35 б.
7. Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан. Тўплам. – Т.: “Ўқитувчи” 2011. -87-б.
8. Сафоев С. Марказий Осиё геосиёсати. – Т.: ЖИДУ. 2005. - 31 б.
9. Михеев В.В. Глобализация и азиатский регионализм: Вызовы для России. М., 2001, -С. 302.
10. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Халқ сўзи 8 февраль 2017 йил.
11. Таксанов А. Интеграция в странах Центральной Азии факторы “за” и “против”.- “Центральная Азия и Кавказ” №1(13), 2001, стр-97.
12. Абдувалиев Х.А. Марказий Осиё аҳолисининг демографик вазиятига табиий-географик омилларнинг таъсири. Academic Research in Educational Sciences Volume 3 | Issue 10 | 2022. ISSN: 2181-1385 Cite-Factor: 0,89 | SIS: 1,12 | SJIF: 5,7 | UIF: 6,1
13. Abduvaliyev, H.A., Vahobjonov, A.A. O., & Rahimberdiyeva, K. D. Q. (2022). ENCLAVE AND EXCLAVE REGIONS OF CENTRAL ASIA. Scientificprogress, 3(1), 87-89.
14. Караханов М.К. Некапиталистический путь развития и проблемы народонаселения. – Т.: 1983. С.236.
15. Кашин А.А. Исследование ландшафтной организации территории Удмуртии как фактора хозяйственного освоения и расселения населения. Дисс. ... канд.геог.наук. –Ижевск, 2015. – 184 с
16. Абдувалиев Х.А. Марказий Осиё аҳолисининг демографик вазиятига табиий-географик омилларнинг таъсири. Academic Research in Educational Sciences Volume 3 | Issue 10 | 2022. ISSN: 2181-1385 Cite-Factor: 0,89 | SIS: 1,12 | SJIF: 5,7 | UIF: 6,1
10. 2050 йилда Марказий Осиё аҳолиси қанчага етиши тахмин қилинди. <https://aniq.uz/yangiliklar/2050-yilda-markaziy-osiyo-aholisi-qanchaga-etishi-taxmin-qilindi>
17. Файзиев Ш. Геополитика Узбекистана. Ижтимоий фикр инсон ҳуқуқлари 1999 г. №3-4(7-8) -с-53-57.
18. Ўзбекистон армияси дунёда нечанчи ўринда туриши маълум бўлди. <https://bugun.uz/2022/01/27/ozbekiston-armiyasi-dunyoda-nechanchi-orinda-turishi-malum-boldi>
19. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи. <http://president.uz/uz/lists/view/1063>.
20. Жўраев Т. Миллий давлатчилик: хавфсизлик ва барқарорлик. – Т.: “Akademiya”, 2007. 42-б.
21. Самарқандда Шарқ алломаларининг тарихий меросига бағишланган халқаро конференция бўли бўтади. <https://tavorix.islamonline.uz/home/xabarlar/989-xabar.html>
22. Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Т.: Ўзбекистон, 2015. 224-225-бетлар.
23. Жўраев Т. Миллий давлатчилик: хавфсизлик ва барқарорлик. – Т.: “Akademiya”, 2007. 42-б.

24. Толипов Ф. Теория и практика региональной интеграции в Центральной Азии. <http://www://analiticaphp.story>
25. Энергетическая стратегия КНР <http://www:euroasian-defence.ru>
26. Арифхонов Ш.Р. Центральная Азия: региональная интеграция и безопасность. – Т.: 2007. – с-44-45.
27. Сафоев С. Марказий Осиё геосиёсати. – Т.: ЖИДУ. 2005. 32-б
28. Каримов И.А. Туркистонумумийуйимиз. – Т.: Ўзбекистон, 1995, - 135 б.
29. Тошкент Осиёнинг сиёсий пойтахти бўлиб қолмоқда. Халқ сўзи. 2016 йил 25 июнь.
30. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 69 б..
31. Тешабоев А. Ўзбекистон – Туркменистон: дўстона ва аҳил қўшничилик муносабатлари ривожланмоқда. <https://yuz.uz/news/ozbekiston--turkmaniston-dostona-va-ahil-qoshnichilik-munosabatlari-rivojlanmoqda>
32. Тешабоев А. Ўзбекистон – Туркменистон: дўстона ва аҳил қўшничилик муносабатлари ривожланмоқда. <https://yuz.uz/news/ozbekiston--turkmaniston-dostona-va-ahil-qoshnichilik-munosabatlari-rivojlanmoqda>

ISSN: 2181-4031  
DOI Journal 10.56017/2181-4031

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 10-СОҢ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-I, НОМЕР-10

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-I, ISSUE-10

«Фундаментал тадқиқотлар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: [tahririyat@imfaktor.uz](mailto:tahririyat@imfaktor.uz)

Веб-сайт: [www.imfaktor.uz](http://www.imfaktor.uz)